

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ БЎЙИЧА ИШЛАРНИНГ БОРИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 26 сентябрь куни ҳудудларда пахта ҳосили йиғими, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари ижроси ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар таҳлили юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳудудлар кесимида пахта йиғими суръатлари ва мавжуд муаммолар атрофида кўриб чиқилди.

Бу йил 875 минг гектар майдонга чигит экилиб, 3,7 миллион тонна ҳосил учун шартномалар тузилган. Терим жараёнида 900 дан ортиқ машина жалб этилди, фермерларга ёқилги ва ўғит арзонлаштирилган тартибда берилди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда режадан орқада қолиш ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона ва Андижон вилоятлари яхши натижа кўрсатаётган бўлса, Самарқанд, Сирдарё ва Навоийда ҳолат қониқарсиз.

Президентимиз қисқа вақт ичида жойларда фақуллода штаблар тузиб, ҳосилни сифатли йиғиб олиш, фермерларни ўйлан-тираётган масалаларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича кўрсатмалар берди. Масъулларга терилган пахта учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Республика бўйича 640 та мактаб ва боғчадан 125 тасида таъмирлаш ишлари ҳали якунланмаган. 9,8 минг кўп қаватли уйнинг қарий мингтаси тайёр эмас. Жиззах ва Сурхондарёдаги қозонхоналар таъмири ҳам охиригача етказилмаган.

Давлатимиз раҳбари икки ҳафта ичида бу масалаларни ҳал этиш, нимстанция,

электр ва сув тармоқларини мавсумга шай ҳолатга келтириш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, бугунги кунда аҳолига 55 минг тонна, шундан 381 та олис қишлоқ ва овулларга 9 минг тонна маҳаллий кўмир етказиб берилган. Аҳолига омборлардаги 27 минг тонна тарқатилмай қолган кўмирни ҳамда куз-қиш мавсумида истеъмолчиларга 330 минг тонна суюлтирилган газни тўлиқ етказиш топширилди. Газ ва электр таъминотида узилишларга йўл қўймаслик учун мутасаддилар шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилди.

“Яшил макон” дастурининг ижроси муҳома қилинар экан, бу йил баҳорда экилган 137 миллион кўчатнинг 27,5 миллиони қуриб қолгани танқид қилинди. Сабаби — баҳор ва ёз ўртасида иссиқ кунлар тез келиб қолиши оқибатида экилган кўчатлар унишга улгурмапти, уларга одатдагидан 2-3 баробар кўп сув сарфлашга тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан дарахтни кузда экишни қўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу йилги куз мавсумида 125 миллион туپ дарахт ва бута, баҳорда яна 75 миллионга экиш режалаштирилди. Бунда суғориш тизими ва имконияти йўқ жойларга кўчат экмаслик талаб қилиб қўйилди.

Урбанизация жараёни тезлашиб бораётгани шаҳарлар ва вилоят марказларида яшиллик даражасини оширишни тақозо этмоқда. Шаҳарларни “яшил” стандарт-

ларга мувофиқ илмий асосда ривожлантириш мақсадида олимлар, урбанистлар ва экологлар иштирокида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят марказларининг “яшил” мастер режалари ишлаб чиқиши белгиланди.

Жорий йил учинчи чораги якуни билан мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 33,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Январ-август ойларида экспорт 23 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 31 фоизга кўпайди.

Лекин инвестиция ўсиши барча ҳудудларда ҳам бирдек эмас. Айрим ҳудудларда эса экспорт кўрсаткичлари пасайган. Президент мутасаддилардан йил якунигача 7,3 миллиард доллар қўшимча экспортни таъминлаш, сармояларни жалб қилиш ва янги бозорларга чиқиш бўйича аниқ чоралар кўришни талаб қилди.

АҚШ штатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши белгиланди. Ҳар бир вилоят муайян штат билан ҳамкорлик ўрнатиб, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий шериклар ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни кенгайтиришга қўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида Президент барча йўналишларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

МИНТАҚАВІЙ ВА ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПОЙДЕВОР

Ўзбекистон сўнгги йилларда БМТ фаолиятининг барча соҳасида фаол иштирок этмоқда. Бугун 160 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргаликда глобал кун тартибига оид йирик халқаро анжуманлар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биоҳилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.



Уйғоқ фикр

2018-2025 йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинди. Марказий Осиёда ҳамкорликни таъминлаш, Орол денгизи ҳудудини ҳимоя қилиш, туризмни ривожлантириш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб масалаларга бағишланган резолюциялар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон ушбу нуфузли ташкилотнинг энг юқори минбарида, хусусан, Бош Ассамблеянинг 72-, 75-, 76- ва 78-сессияларида жаҳон кун тартибидagi долзарб масалаларга дунё эътиборини қаратиб, улар бўйича муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ҲИССА ҚЎШИШГА ТАЙЁР



XXI аср инсоният олдига мураккаб синовларни қўймоқда. Глобал муаммолар тобора жиддийлашиб, уларга барҳам бериш учун давлатлардан яқдиллик, масъулиятли ҳамкорлик ва оқилона қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда. Иқлим ўзгариши, геосиёсий қарама-қаршиликлар, терроризм, миграция, озиқ-овқат хавфсизлиги каби масалалар нафақат мамлакатлар, балки бутун инсоният келажагига таҳдид солмоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлатнинг халқаро муносабатлардаги позицияси, ташаббуслари нафақат ўзи, балки минтақавий ва глобал барқарорлик учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан қаралганда, Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқи нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа ва жаҳон сиёсий майдони учун долзарб аҳамиятга эга бўлди. Зеро, нутқда глобал ҳамкорлик, тинчликпарвар сиёсат, инсон қадр-қиммати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро ҳамжамиятини бу борада амалий ҳамкорликка чақирадиган қатъий ва аниқ таклифлар илгари сурилди.

Жумладан, ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиш таклиф этилди. Ушбу халқаро форум минтақанинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Яъни, аввало, минтақанинг глобал иқтисодий жараёнларга фаолроқ интеграциялашуви, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва барқарор тараққиёт моделларини жорий этишга замин яратяди. Масъул нуфузли халқаро ташкилотларнинг форумда иштирок этиши муаммоларнинг ечими учун зарур сиёсий ва молиявий таянчни шакллантиради.

► Давоми 2-бетда



Камолот пиллапоясида

EL-YURT UMIDI JAMG'ARMASI

МИЛЛАТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚИЁФАСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йилбей сессияси доирасида АҚШга амалга оширилган навбатдаги таширф якунида Президент Шавкат Мирзиёев, анъанана кўра, айни вақтда у ерда истикомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашув ўтказди. Америкада меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган юртдошларимиз давлатимиз раҳбарини катта қувонч билан кутиб олди. Сўхбат расмий тартибдан йирик, самимий ва ишончли мулоқот шаклида кечди.



Учрашув мобайнида янги Ўзбекистондаги ислохотлар, уларни амалга ошириш жараёнида ватандошлар иштироки ва ҳамкорлик имкониятлари ҳақида фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари, айниқса, “Эл-юрт умиди” стипендиаларига алоҳида тўхталиб, АҚШда уларнинг сони 500 нафардан ошганини, бу авлод юртимиз учун энг қимматли интеллектуал захира сифатида қаралаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, давлатимиз ёшларнинг ташаббусларига ҳаммиса очиклиги, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр туриши қайд этилди.

Ўз навбатида, учрашув иштирокидаги Ўзбекистон етакчиси-га хориждаги ватандошлар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, ватанамиз равнақида янада кўпроқ ҳисса қўиши йўлида ҳаракат ва меҳнатдан тўхтамаслигини изҳор қилди.

► Давоми 5-бетда



Нуқтаи назар

Президентимизнинг АҚШга таширфи ва БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йилбей сессиясидаги нутқи мамлакатимиз обрў-эътибори янада ортгани ва давлатимиз ташки сиёсати янги босқичга кўтарилганини яққол намоён қилди. Ушбу таширф Ўзбекистон учун халқаро майдонда янги саҳифа очди, кўплаб натижаларга эришиш имконини берди.

ЭНГ ЙИРИК ХАРИД

АВИАКОМПАНИЯМИЗ САЛОҲИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИРАДИ



Давлатимиз раҳбари жаҳонда кечаётган зиддиятли геосиёсий воқеалар, халқаро институтлар таъсири пасайиши ва тенгсизлик ўсиб бориши шароитида тизимли ангиланиш ҳамда қўшма сазй-ҳаракатлар зарурлигини таъкидлади. Юксак минбарда илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг кўплаб мамлакатлар, айниқса, АҚШ билан муносабатларида ҳам ўзаро ишонч ва прагматик шериклик учун мустаҳкам асос яратаетир.

Нутқда БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва таркибини кен-

гайтириш таклиф этилди. Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамжihatлик муҳитини шакллантириш бўйича охиригача саккиз йилда қўлга киритилган ютуқлар — очик чегаралар, ҳал этилган низолар ва интеграция платформалари бу — ташаббуснинг амалий пойдевори эканини кўрсатади. Ўзаро савдо, инвестиция ва логистика ҳажмининг бир неча баробар ўсгани минтақавий шерикликнинг тузилмавий характерга эга эканини тасдиқлайди.

► Давоми 2-бетда



Албатта ўқинг!

Ўумк маҳорати

(“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОБИДАН)



ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ҲИССА ҚЎШИШГА ТАЙЁР

Бошланиши 1-бетда

Форум ўтказилиши натижасида минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, саноат кластерлари ва логистика марказларини ташкил этиш, савдо қонунчилигини мувофиқлаштириш, сармояни ҳимоя қилиш механизмларини яратиш, рақамли иқтисодиёт ва инновация соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантиришга кенг шароит яратилди.

ЮНИДО билан саноатда “яшил” технологиялар минтақавий ҳабини ташкил этиш, минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик барқарорликка эришиш дастурларини қабул қилиш бўйича илгари сурилган тақлиф ҳам ушбу йўналишларда Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслардандир. Саноатда “яшил” технологиялар ҳабини ташкил этиш орқали минтақада экологик тоза ва ресурстежамкор ишлаб чиқариш жараёнлари кенг жорий этилади. Бу эса энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни қамайтириш, атмосферага зарарли моддалар чиқарилишини чеклаш билан бирга янги иш ўринлари яратиш ва инвестицион муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Шу орқали минтақада “яшил иқтисодиёт” сари босқичма-босқич ўтиш имкони юзага келади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ташаббуслар эса транс-чегаравий сув масалаларини барқарор ва конструктив ечимлар асосида ҳал этишга хизмат қилиб, қишлоқ ҳўжалигида сув тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантиради. Бу, ўз навбатида, қурғоқчилик ҳавфини қамайтириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини ошириш ҳамда экзотизмларни муҳофаза қилишга имкон яратди.

“Яшил” макон барпо этиш бўйича амалга оширилмаган дастурлар шаҳар ва қишлоқ ҳудудларда экологик барқарор муҳит яратиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, қўламазорлаштириш ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича муҳим қадамлар бўлади. Бу орқали нафақат аҳолининг ҳаёт сифати ошади, балки экологик ҳавф-хатарлар ҳам қамайтиришга эришилади.

Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклиги ва иқ-



Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенати
қўмитаси раиси ўринбосари

тисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш тақлифи минтақа учун стратегик аҳамиятга эга. БМТ Бош Ассамблеяси каби нуфузли халқаро ташкилот томонидан бундай резолюция қабул қилиниши минтақавий ҳамкорликка берилаётган сиёсий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг муҳим белгисидир. Резолюция Марказий Осиё давлатларининг ички ва ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш, ўзаро ишонч ва мулоқотни мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги ҳамкорлиқни тизимли ривожлантириш, қолаверса, минтақамизнинг глобал миқёсдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз глобал ва минтақавий ҳавфсизлик хусусида фикр билдириб, Афғонистон, Ғазо секторидagi кескин сиёсий вазият ва Украинадаги жараёнларга ҳам эътибор қаратди.

Афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга интилишига муносабат билдирилиши, бу борада халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланиши бежиз эмас. Афғонистоннинг яққаланиб қолиши, унинг халқаро майдондан узилиши ҳавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки бундай ҳолат экстремизм, терроризм ва ноқонуний иқтисодий фаолият учун муҳит яратиб бериши эҳтимолдан холи эмас.

Шу нуқтаи назардан, Афғонистон орқали халқаро транспорт ва энергетика йўлакларини ривожлантириш бўйича махсус резолюция қабул қилиш тақлифи бу мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграция қилиш, инфратузилмавий уйғунлиқни таъминлаш ҳамда барқарорликка эришишда самарали восита бўлиши мумкин. Бу каби ташаббуслар Афғонистоннинг истиқболли ривожланиш йўлини ишлаб чиқиш ва ижобий натижаларга эришишга реал шароит яратди.

Ғазо секторида тобора кескинлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инқирозга эътибор қаратилиши инсонпарварлик ва халқаро ҳуқуққа асосланган ёндашувни акс эттиради. Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокараларни қайта тиклашга қақриқ кескин сиёсий зиддиятларни тинчлик билан ҳал қилиш йўлидаги самарали ечимдир. “Икки халқ — икки давлат” тамойили БМТ резолюцияларига тўлиқ мос келади ва Яқин Шарқда барқарор, узоқ мuddатли тинчликни таъминлашнинг ягона амалий йўли сифатида қабул қилинади. Бундай позиция халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қараши ва доимий тинчликни таъминлашга интилишига асосланади.

Ўзбекистон раҳбарининг БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича минтақавий кенгашини Халқаро компетенциялар марказига айлантириш тақлифи бу



йўналишда тўпланган тажриба ва амалий ёндашувларни халқаро миқёсда тизимлаштириш ва тарқатишга қаратилган муҳим ташаббус бўлди.

Ушбу марказни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад терроризм ва экстремизм таъсирига тушиб, муаммоларни ҳудудлардан қайтган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш, уларни тинч ҳаётга интеграция қилиш, бу борада самарали ва инсонпарвар



Нуқтаи назар

ЭНГ ЙИРИК ХАРИД АВИАКОМПАНИЯМИЗ САЛОҲИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағаллик кўрсаткичи 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқаргани қайд этилди. Бу натижа, аввало, таълим ва илм-фан тизими янгиланиши, инновацион тармоқлар ҳамда технология саноат корхоналари йўлга қўйилиши, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмаси модернизацияси, шунингдек, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали миллионлаб иш ўринлари очилишига боғлиқ.

Иқлимга оид глобал қақирчиқлар қаторида Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш бўйича қилинаётган ишлар алоҳида қайд этилди. Қўлнинг қуриган тубида кенг миқёсдаги яшил қўллаб-қувватлаш режаси минтақавий экология сиёсатида намуна сифатида қўрилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумини ўтказиш ташаббуси глобал сув ҳавфсизлиги учун “йўл харитаси” ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Нью-Йоркдаги мулоқотлар орқали Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида прагматик кун тартиби янада ойдинлашди. Президентимиз ташрифи доирасида Ўзбекистон учун тарихий аҳамиятга эга йирик келишувлар имзоланди. Жумладан, миллий авиакомпаниямиз 8 миллиард доллардан ортиқ маблагга 22 та замонавий “Boeing 787 Dreamliner” самолётини харид қилади. Бу Ўзбекистон тарихидаги энг йирик харид. Ушбу самолётлар орқали миллий авиакомпаниянинг парк имкониятлари сезиларли даражада кенгайди ва хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон стандартларига яқинлаштиради. Бугун “Uzbekistan Airways” АЖ паркида асосан Airbus A320, Boeing 757, Boeing 767 ҳамда Boeing 787 турлидаги чекланган сондаги лайнерлар мавжуд. Янги келишувдан сўнг паркиннг катта қисми замонавий ва ёнгилари тежамкор лайнерлар билан таъминланади. “Boeing 787 Dreamliner” дунёдаги энг самарали, узоқ масофага мўлжалланган лайнерлардан.

22 та Boeing 787 янги лайнери келиши тўғрйли “Uzbekistan Airways” АЖ қатор стратегик йўналишларини очиб имкониятга эга бўлади. Жумладан, Тошкентдан Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Торонто, Сингапур, Токио, Сидней ва Лондон каби узоқ масофали шаҳарларга тўғридан тўғри парвоз амалга оширилиши мумкин. Бу



Абдулазиз FYУЛОМОВ,
Тошкент давлат транспорт
университети проректори

эса Ўзбекистонни ҳақиқий глобал авиация марказига айлантириш сари қадам бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, авиация соҳасидаги йирик келишувга АҚШ Президенти Дональд Трамп “Truth Social” ижтимоий тармоғида муносабат билдирди. Бу Ўзбекистон учун, унинг жаҳондаги нуфузи учун гоят муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ минбарида илгари сурган ташаббуслари ва АҚШ билан прагматик мулоқоти мамлакатнинг барқарор тараққиёт, глобал эҳтиёжлар ва миллий манфаатларини уйғунлаштириш сиёсатида хизмат қилади. Марказий Осиёнинг янги қиёфаси — очилиқ, ҳамжиҳатлик ва интеграция — қўшиллар, стратегик шериклар ва халқаро институтлар билан ҳамкорлиқнинг янги босқичини белгилаш имкони беради. Бу йўлда инсон капитали, инновациялар ва “яшил” иқтисодиётга таяниш борасидаги сатъ-ҳаракатлар устувор аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Муносабат

МИЛЛИЙ ДИПЛОМАТИЯДАГИ ЮТУҚЛАР

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқида мақсад билдирилганини эътиборга олади, балки инсоният олдида турган глобал муаммоларга қамровли ечимлар тақлиф қилинди, қўллаб-қувватлаш илгари сурилди. Жумладан, БМТнинг нуфузини янада ошириш, Ҳавфсизлик Кенгашини ислох қилиш зарурлиги қайд этилди. Зеро, замонавий глобал таҳдидларга самарали ва барқарор жавоб бериш учун давлатларнинг ҳамкорлиги ҳамда бирдамлиги ўта муҳим ва долзарб.

Нутқда сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди. Дарҳақиқат, камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизга қисқарди. Таълим тизимида ҳам тарихий ўзгаришлар юз берди — мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга етди. Бу рақамлар халқимиз фаровонлиги ва ижтимоий сиёсат самарадорлигидан далолат, албатта.

Президентимиз таълим-тарбия масаласини давлат сиёсати даражасига олиб чиқиб, уни халқаро миқёсда ҳам юксак минбарларда кўтармоқда. Хусусан, педагоглар обрў-эътиборини ошириш, жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлаш ва халқаро тажриба алмашиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни тақлиф қилди. Бу тақлиф замирида буюк жадид боболаримизнинг асрий орузи — маърифат ва тараққиёт орқали миллатни юксалтириш ғояси мўжассам. Зеро, таълим-тарбия ҳар қандай жамият келажагини белгилайдиган энг муҳим омилдир. Саммитнинг Ўзбекистонда ўтказилиши, бир жиҳатдан, юртимизнинг глобал маърифат марказига айланаётганидан далолат берса, иккинчидан, устоз ва мураббийлар қадрини юксалтиришга қаратилган амалий қадам бўлади.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш, болалар касалликларига қарши кураш ва гендер тенглик масалаларига ҳам тўхтатди. Мамлакатимиздаги янги соғлиқни сақлаш тизими ҳар бир фуқаро, айниқса, болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Болалар саратон ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлса, бу фақат бир оиланинг эмас, бутун жамиятнинг дардига айланади.

Президентимизнинг БМТ Бош қароргоҳида бу борада юқори даражада тадбир ўтказиш ташаббуси ҳам халқаро ҳамжиҳатликни кучайтиради. Чунки бундай оғир касалликларга қарши кураш ягона давлатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг вазифасидир. Бу ўринда Ўзбекистоннинг тақлифи ҳар бир дардга қарши берилаши, тажриба алмашиш ва ҳамкорликда ечим топишга ундайди.

Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформа айлантириш тақлифи, аввало, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳ-



Феруза МУҲИДДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори

камлашга хизмат қилади. Форумнинг аҳамияти шундаки, у нафақат алоҳида давлатда, балки Осиё миқёсда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билим ҳамда тажрибасини бирлаштириш имконини беради.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари ҳам нутқнинг муҳим қисми бўлди. Марказий Осиёда ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми 5 баробар ошган, чегаралар очилгани ва интеграция жараёни янги босқичга кўтарилгани қайд этилди. Бу оддий одамлар ҳаётида бевосита ҳис этиладиган катта ютуқ. Аввал одамлар қўшни давлатларга боришда қийинчиликка дуч келган бўлса, ҳозир қариндош-уруғлари билан эмин-эркин бординг келди қилмоқда.

Афғонистоннинг яққаланиб қолмаслиги ҳақидаги қақриқ нафақат сиёсий, балки инсоний масала. Афғон халқи ҳам тинч-осуда ҳаёт кеңиришга ҳақли. Улар ихоталанса, бу муаммоларни фақат қулайтиради. Шу боис, Афғонистонни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнига жалб этиш барчамиз учун ҳавфсизликни мустаҳкамлаш қафолатидир. Ғазо ва Украина ҳақида айтилган фикрлар эса тинчликка интилиш умумбашарий эҳтиёж эканини кўрсатди. Зеро, ҳарбий ҳаракатлардан кўпроқ оддий аҳоли, болалар, аёллар жабр кўради.

Минтақавий кенгашини Халқаро марказга айлантириш ташаббусини ҳавфсизлик йўлидаги янги қадам дейиш мумкин. У нафақат террорчиликка, балки ижтимоий муаммолар — жиноятчилик, радикал ғоялар, ёшларнинг экстремизмга тортилишига қарши ҳам самарали курашнинг имконини беради.

Оролбўйидаги 2 миллион гектарга чўл ўсимликлари экилгани, 2030 йилгача ҳудуднинг 80 фоизини ашиллаштириш режалаштирилгани айтилди. Шунингдек, сув инқирози глобал таҳдид сифатида эътироф этилиб, халқаро “йўл харитаси” қабул қилиниши тақлиф қилинди.

Президентимиз “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни тузиш ва қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифини илгари сурди.

Тақлиф ва ташаббуслар орасида мамлакатлар ўртасида рақамли ривожланиш ва сунъий интеллектдан фойдаланишдаги тенгсизликларни бартараф этиш масаласи ҳам бор. Ҳозирги кунда турли давлатларда рақамли технологиялар, сунъий интеллект соҳасидаги ютуқ ва имкониятлар бир хил даражада эмас. Бу эса айрим мамлакатлар учун ривожланишда тўсиқ ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тенгсизликка сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларга ечим сифатида давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият каби муҳим соҳаларда сунъий интеллектнинг амалий ечим ва моделларини мамлакатлар ўртасида бегараз, яъни манфаатдорликка қарамай, очиб алмашишга асосланган халқаро ҳамкорлик механизминини яратиш тақлифини илгари сурди. Бу механизм орқали мамлакатлар ўзаро тажриба алмашадди, илмий ва технология ютуқларини биргаликда ривожлантиради, натижада рақамли тенгсизлик камаёди.

Сунъий интеллект ёрдамида соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш, таълимда янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маданият соҳасида тарихий ва маънавий бойликларни сақлаш ва тарқатиш имконияти яратилди. Бу эса жамият ҳаётида фаровонликни янада барқарорлаштиришга замин яратди.

Давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг келажаги ва жаҳон тараққиётдаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини таъкидлади. Ушбу ташаббусдан ёшлар қалби ва онгига тинчлик, инсонпарварлик, дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби буюк қадриятларни сингдириш мақсад қилинган. Сабаби, фаровон ва осийишта жамият барпо этишда айнан ёшлар тарбияси муҳим.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифи илгари сурилди. Бу ташаббус ёшлар ўртасида халқаро даражада дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, тинчлик ғояларини кенг тарқатишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу нутқ XXI асрда инсоният олдида турган мураккаб ва жиддий муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжамиятнинг бирдамлик ва ҳамкорлиги қанчалик муҳим эканини кўрсатиб берди. Ўзбекистоннинг глобал муаммоларга масъулиятли ёндашуви, барқарор тараққиёт, тинчликпарварлик ва инсон қадр-қимматига берилган катта эътибори намоян этилди.

Бу нутқ орқали Президентимиз мамлакатнинг нафақат минтақавий, балки дунё миқёсда ижобий ўзгаришларга ҳисса қўишига тайёр эканини кўрсатди. Зеро, илгари сурилган ҳар бир тақлиф ва ташаббус халқаро ҳамжамиятнинг амалий ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам бериш, муаммоларни биргаликда ечишга чорлайди.

Дунёнинг эртаси, фаровонлиги ва тақдири ёш авлод қўлида. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар учун имкониятлар эшигини очиб давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган.


Бу ташаббус ёшларни тинчлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари атрофида бириштириш учун муҳим платформа бўлади. Агар у амалга ошса, биринчи навбатда, турли мамлакат ўзаро мулоқот қилади, тажриба ва билим алмашади, тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғоясини авлоддан авлодга етказиш имкони туғилади. Қароргоҳнинг айнан Ўзбекистонда жойлашиши ҳам катта маънога эга. Чунки Ўзбекистон азалдан тинчлик ва бағрикенглик юрти сифатида эътироф этилган.

“Ёш авлод онги ва қалбига тинчлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч ғояларни сингдириш — келажақ учун энг ишончли инвестиция. Эртанги сиёсат, иқтисодиёт, фан, маданият ва ҳатто дунё тинчлиги бүгунги ёшлар қўлида эканини унуттиш мумкин эмас.

Нутқда, шунингдек, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази очилиши ва аждодларимиз илмий меросини БМТда тақдим этиш режаси билдирилди. Ислом цивилизацияси маркази ва аждодларимиз илмий меросини БМТда тақдим этиш бу — халқимиз маънавий меросини жаҳонга танитиш, шу билан бирга, дунёда ислом маърифати, бағрикенглик ва илм-фан анъаналари тарғиботига хизмат қилади.

Буюк аждодларимизнинг бой маънавий ва илмий меросини жаҳон миқёсда намойиш этиш ташаббуси, аввало, мамлакатимиз учун катта сиёсий аҳамиятга эга. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби улуг алломалар бутун ислом цивилизацияси ривожига беқисс ҳисса қўшган. Улар нафақат диний илм, балки маърифат, ахлоқ, бағрикенглик ва тинчлик ғояларини тарғиб қилган. БМТда улар меросини алоҳида тақдим этиш Ўзбекистоннинг маънавий макомини мустаҳкамлайди, жаҳон ҳамжамиятининг тарихий меросимизни чуқурроқ англашига ёрдам беради. Миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилади, ёш авлод учун намуна бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи янги Ўзбекистоннинг ислохотлари, минтақавий ҳамжиҳатлик ва глобал дипломатиядаги фаол иштирокчини намоян этиди. БМТ минбарига илгари сурилган ташаббуслар жаҳон ҳамжамиятини инсон қадри, тинчлик ва ҳамжиҳатлик атрофида бириштиришга даъват этди. Бу нутқ Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлагани бораборида мамлакатимиздаги ислохотларнинг асосий ғояси “Инсон қадри ҳамма нарсадан улук” деган тамойилга асосланганини дунёга намойиш этди.



Улугбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Халқаро ишлар,
мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 23 сентябрь куні Ўзбекистон Президенті БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида нутқ сўзлади. Нутқда БМТ ислохоти, ташкилотнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Ўзбекистондаги ислохотлар, Марказий Осиё ва дунёдаги хавфсизлик, транспорт коридорлари, иқлим ўзгариши, сунъий интеллект, ёшлар ва маърифатли ислом каби мавзуларда реал муаммолар ўртага



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ташланиб, ечими бўйича амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилди.

Авалло, БМТнинг тузилмавий ислохотини назарда тутувчи “БМТ — 80” ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда энг оғир ва ўткир глобал масалаларни муроса йўли билан ҳал этиш учун БМТни асосий платформа сифатида сақлаб қолиш, унга уникал механизм сифатида таяниш гоёси илгари сурилди.

Бу борада замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ривожланаётган давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва таркибини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Охириги йилларда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши урушлар, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш ва халқаро барқарорликни таъминлашда етарли даражада ўз вазифасини бажармаётти. Шунга қарамай, жаҳон сиёсатида ахборот маркази ва йирик давлатларнинг позициясини кўрсатадиган институционал майдон сифатида фойдали мақсадга хизмат қилмоқда.

Мутахассислар Хавфсизлик Кенгаши кенгайиши зарурлигини муҳокама қилиб, бунда, асосан, янги аъзо давлатларни киритиш орқали унинг вакилликни янада ошириш мақсад қилинмоқда. Кенгайиш тарафдорлари, масалан, Африка ва Лотин Америкаси каби катта ҳудудларда доимий вакиллик йўқлиги сабабли ушбу қўйтадаги давлатларнинг доимий аъзолигини таъминлаш, Осиё аҳолиси ва ҳозирги салоҳиятидан келиб чиқиб, унинг вакилларини ҳам Кенгашга киритиш зарурлиги бўйича фикрлар билдирилмоқда.

Шу муносабат билан дунёда қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаяётган ҳамда БМТ трансформациясига оид ишлар муҳокама қилинаётган даврда Ўзбекистон томонидан мақсуд асосида бўйича позиция билдирилиши ўз вақтида қилинган муҳим ҳаракат бўлди.

Нутқда Афғонистон масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатда тинчлик ва осуда ҳаётни таъминлашда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланди. Ушбу масала

давлатимиз раҳбари томонидан Бош Ассамблеянинг аввалги сессияларида ҳам кўтарилгани Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг муҳим вазифалар сирасига кирганидан далолат беради.

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг узвий қисми сифатида кўрамиз. Ўзбек ва афғон халқлари азалдан ёнма-ён яшаб келади. Бизни умумий маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин, буюк аجدодларимиз мероси бирлаштириб туради.

Ҳозирги мураккаб ва зиддиятли даврда ушбу давлатни яқкалаб, муаммолар гирдо-бига ташлаб қўйиш мумкин эмаслиги айтиб ўтилди. Президентимиз бошқа халқаро тадбирларда ҳам Афғонистон масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада мамлакатнинг иқтисодий ва маданий қайта тиклаш, у билан минтақавий кооперацияни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб келмоқда.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон ушбу масалага амалий жиҳатдан ҳам ёндашмоқда. Давлатимиз инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистонга бирламчи зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва кийим-кечақларни тизимли равишда етказиб бермоқда.

Энг муҳими, икки давлат ўртасида шерикликни янада кенгайтириш, савдо, иқтисодиёт, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантириш юзасидан ҳамкорлик муҳокама қилинмоқда ва амалий қадамлар ташланмоқда.

ҳозир ҳудудда 80 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган. Қурбон бўлганларнинг 80 фоиздан ортиги тинч аҳоли вакиллари, яъни аёллар ва болалар экани, Ғазо секторига ҳали ҳам яшаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатишда тўсиқлар мавжудлиги барчани чуқур ташвишга солмоқда. Ўзбекистоннинг БМТ минбарига ушбу фожиа ҳусусида билдирган аниқ позицияси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига тўғри келади.

Украина атрофидаги вазиятга ҳам эътибор қаратилиб, бу муаммони дипломатик йўлар билан ҳал этиш бўйича юқори даражадаги мулоқотлар бошлангани олқишланди. Бу масалада ҳам Ўзбекистон яна бир бор ўзининг ташқи сиёсатини тинчликпарвар ва инсонпарвар ғоялар асосида юритаётганини кўрсатди.

Терроризм масаласи нутқда алоҳида ўрин эгаллади. Унга қарши курашиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди. Хусусан, БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича минтақавий кенгаши Халқаро компетенциялар марказига айлантириш тақлиф этилди.

Мазкур кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан тузилган. У Марказий Осиёдаги барча мамлакат экспертлари ва мутахассисларини бирлаштириб келмоқда. Радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда Марказий Осиёда терроризм тарғиботига қарши курашиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кенгашнинг асосий вазифасидир.

Унинг платформасида муаммолар ҳудудлардан қайтарилиб, реинтеграция қилинган шахсларнинг нормал ва тўлақонли ҳаётга муваффақиятли интеграциялашувини таъминлайдиган усул ва дастурлар жамланган. Ушбу тузилма иши жиноий жавобгарликка тортиш, психологик-ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция, диний дерадикализация, жамият ва фуқаролик жамиятини жалб қилиш омилларини жамлаган комплекс ёндашувга асосланади.

Ўзбекистон 530 дан ортиқ фуқарони, асосан, аёллар ва болаларни Ватанга қайтарди. Уларга тиббий, ижтимоий ва руҳий ёрдам кўрсатди, касб-ҳунарга ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи ушбу тузилмани минтақа даражасидан халқаро даражага олиб чиқиш, муаммолар ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш бўйича тажриба алмашиш борасидаги муҳим платформага айлантиришга хизмат қилади. Ушбу тақлиф БМТга аъзо давлатларни халқаро терроризм каби



Мазкур кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан тузилган. У Марказий Осиёдаги барча мамлакат экспертлари ва мутахассисларини бирлаштириб келмоқда. Радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда Марказий Осиёда терроризм тарғиботига қарши курашиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кенгашнинг асосий вазифасидир.

қилишни тақлиф этди. Ушбу тақлифнинг амалга оширилиши Афғонистоннинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциялашувини таъминлаш бўйича ҳуқуқий замин ҳозирлайди. Минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этиши учун давлатларга кучли даъват бўлади.

Шунингдек, Ғазо секторидagi тобора кескинлашиб бораётган гуманитар инқироз бўйича ҳам Ўзбекистон позициясини билдирди. Ушбу ҳудудда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга қақирди. БМТ резолюцияларига мувофиқ, “икки халқ учун — икки давлат” тамойили амалга оширилиши давлатимизнинг қатъий нуқтаи назари эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кўп марта халқаро тадбирларда Ғазо секторидagi ўта қайғули вазиятга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратган. Экспертлар маълумотига кўра,

умумий таҳдидларга қарши курашда янада жипслаштириб, биргаликда ҳаракат қилиш учун муҳим механизмини тақдим қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси минтақавий офисини очишга қаратилган тақлиф ушбу соҳадаги институционал салоҳиятни янада кенгайтиради ва терроризмнинг янги шакллари, хусусан, кибержиноятчиликка қарши курашишда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси учун янги имкониятларга замин яратади.

Шубҳасиз, Президентимизнинг ушбу нутқидаги ғоялар, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар Марказий Осиё ва дунё ҳамжамиятининг фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда пойдевор ва қадам сифатида тарихда қолади.

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК СИЁСАТИ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА МАКТАБИ

Бугунги тез ўзгарувчан ва мураккаб геосиёсий шароитда халқаро институтларнинг таъсирчанлиги ва аҳамияти сезиларли даражада заифлашмоқда. Қарама-қаршилик ва низолар, қуроли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётгани, технологик ва ижтимоий тенгсизлик ортиши, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари сақланиб қолаётгани нафақат миллий хавфсизликка, балки глобал барқарор ривожланиш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва динлараро тотувликка ҳам жиддий таҳдид солаётди.



Содиқ ТОШБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Дин ишлари бўйича
қўмита раиси

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясида сўзлаган нутқи шу каби глобал муаммоларга самарали амалий ечимлар тақлиф қилингани билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ривожланаётган давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтириш тарафлари экани айтиб ўтилди. Аҳамиятлиси, бу жиҳат Ўзбекистоннинг глобал сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга тайёрлигини ва масъулиятли ҳамкор сифатида дунё ҳамжамияти олдига ўз позициясини аниқ намоён этаётганини кўрсатади.

Нутқда яна бир долзарб масала сифатида терроризмга қарши курашиш, реабилитация ва интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, муаммолар ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш ва уларни ижтимоийлаштириш бўйича муҳим тақлифлар илгари сурилди.

Дарҳақиқат, бу йўналишдаги чора-тадбирлар мамлакатлар хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлигини мустақамлашда катта аҳамият касб этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси

келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифамиздир”, деди.

Шундан келиб чиқиб, Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифи илгари сурилди. Мазкур ташаббус келажак авлод вакилларини глобал муаммоларни тинч йўл билан ҳал



Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида инсонсинг яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиш ва ўз иқтидорини намоён этиши, шунингдек, диний эътиқодини эркин ифодалаш каби ҳаётий ҳуқуқлари турли даражада чекланмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари бағрикенглик, тинчлик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.



билан ҳамкорликда Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузилган. Президентимиз уни Халқаро компетенциялар марказига айлантириш тақлифини билдирди. Бу тузилма муаммолар ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш бўйича тажриба алмашиш учун муҳим платформа бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон, ўз навбатида, Терроризмга қарши кураш бошқармасининг минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш учун зарур шароит яратишга тайёр эканини билдирди. Бу нафақат минтақа, балки бутун дунёда хавфсизликни мустақамлашга қаратилган амалий ташаббус сифатида жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб турибди.

Президентимиз яна бир устувор масалага тўхталиб, “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб

этиш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларига асосланган тарзда тарбиялашга беқияс ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, жамиятимизда бағрикенглик сиёсати изчил амалга оширилаётгани, ислом маърифати ғояларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар фаол давом эттирилаётгани кайд этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли диний конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустақамлашга қаратилган илгор ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу янги Ўзбекистон сиёсатининг умуминсоният манфаатларига қанчалик мос ва ҳамоҳанг эканини яққол намоён қилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида инсоннинг яшаши, таълим олиши,

меҳнат қилиш ва ўз иқтидорини намоён этиши, шунингдек, диний эътиқодини эркин ифодалаш каби ҳаётий ҳуқуқлари турли даражада чекланмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари бағрикенглик, тинчлик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

Турли дин вакилларининг эркин равишда ўз ибодатларини адо этиши, расм-русумларини бемалол бажариши ҳамда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити кўп конфессияли давлатлар томонидан катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Ўзбекистон тажрибаси бу жиҳатдан кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлмоқда.

Ўтган қисқа даврда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Самарқанда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди.

Ушбу муассасалар “Жаҳолатга қарши маърифат” эзгу ғояси асосида жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аجدодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Президентимиз яқин ойларида минтақамиз учун ноёб бўлган Ислом цивилизацияси марказининг очилишини, буюк аجدодларимиз — мутафаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдиротини БМТда ўтказиш режаланиганини маълум қилгани қувонарли ҳол, албатта!

Зеро, улкан меғалойиҳа — Ислом цивилизацияси маркази нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш, аждодларимизнинг бой илмий меросини кенг тарғиб қилиш, ислом динининг тинчликпарварлик ва бағрикенглик моҳиятини намоён

этиш борасида ноёб платформа вазифасини бажаради.

Умуман, давлатимиз раҳбари БМТ юксак минбаридан туриб таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ изчил давом эттирилмоқда. Бу сиёсатнинг марказида инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровон ҳаёт кечирилишига эришиш каби эзгу мақсадлар туради. Демак, ортага қайтмас ислохотлар асосида барпо этилаётган демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий янги Ўзбекистон келажакка ишонч билан илгариламоқда.

Президентимизнинг ушбу нутқи нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун муҳим сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар глобал масалаларда ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш, тинчлик ва тараққиётга интилиш, терроризмга қарши курашиш, ёшлар таълим-тарбияси ҳамда бағрикенгликни кучайтиришга қаратилган кенг қамровли глобал стратегик ғоялардир.

Албатта, ушбу эзгу ташаббус ва тақлифлар дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда бебаҳо ҳисса қўиши билан бирга халқаро ҳамжамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади.



Бундан етти йил аввал Фаргона вилояти Иқтисодиётига бор-йўғи тўртта давлат сармодорлари инвестиция киритганди. Бугун 30 дан зиёд мамлакатдан инвестиция жалб этилган. Улар орасида Хитой, Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея, АҚШ каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Жорий йилда вилоят иқтисодиёт тармоқларига хориждан 3,7 миллиард доллар инвестиция жалб этиш режа қилинган. Бу аввалги йилдагидан 1,2 баробар кўп. Бундан саккиз йил олдин хориждан инвестиция киритиш, экспорт кўрсаткичлари борасида бор-йўғи 500 минг долларлик марра белгиланар эди. Энди ушбу миқдор бир миллиард долларлик довондан ошди.

Саноат корхоналари сони 2,8 баробар кўпайиб, 13 мингтага етди. Саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 1182 та лойиҳа ишга тушди. Натияжада 36 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Масалан, “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси Куvasой филиалида “Matwin fruitline” МЧЖ мевани қайта ишлаш ва қуюлтирилган табиий шарбат ишлаб чиқарадиган замонавий корхонага асос солди. Корхонага 14 миллион доллар инвестиция киритилиб, Швейцария ва Италиядан юқори қувватли технологиялар олиб келинди. Янги корхона мавсумда 80 минг тонна мевани қайта ишлаб, қадқоқлаш имкониятига эга. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Лойиҳанинг

дастлабки босқичида 120 та иш ўрни яратилди. Келгусида иш ўрни сони яна уч ҳисса кўпаяди.

Вилоятнинг иқтисодий қуввати йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами шодиёнасига ҳамоҳанг тарзда “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси Куvasой филиалида “Crown Ceramic” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. У керамогранит плиталар ишлаб чиқаради.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида амалга оширилган лойиҳага 70 миллион доллар инвестиция йўналтирилди. Бу ерда йилга 8 миллион квадрат метр керамогранит плита, яъни бир триллон сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундан 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

— Корхонамизда 400 дан зиёд ёш учун кафолати иш ўрни яратилди, — дейди “Crown



Ceramic” асосчиси Снянг Ченгганг. — Ўзбекистонда хорижлик сармоядор, ишбилармонлар учун яратилган қулай шароит, имтиёз ва имкониятлар фаолиятимизда қўл келмоқда. Лойиҳа Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда 10 минг тонналик тўлиқ автоматлаштирилган пресс-ускуналар ва кенг ҳажмли

печлар ўрнатилган. Уларда диаметри икки метргача бўлган форматда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бор. Энергиятежамкор технологиялар ҳисобига маҳсулот таннархи арзон бўлишига эътибор беряёмиз. Бу эса рақобатбардosh, сифатли маҳсулотлар турлари кўпайишида қўл келади.

“Кўқон” эркин иқтисодий зонасида “Sadaf sut smons” оилавий корхонаси умумий қиймати 2,7 миллион долларлик пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичини фойдаланишга топширди. Шу тариқа корхона ишчилари 350 нафарга етди. Ҳозир бу ерда 38 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилимоқда. Яқин истиқболда корхона қуввати 100 тоннага етказилиб, иш ўринлари сони икки ҳисса кўпаяди.

Тадбиркор Сайидқосимхон Қорабоев ташаббуси билан ташкил этилган оилавий корхона маҳсулотлари юртимизда оммалашти улгурди. Табиий ва миллий аъналар асосида тайёрланаётган сут, айрон, қатик, қурут ва сметана каби маҳсулотлар ўзинга хос таъми, сифати билан миқдорларга манзур бўлмоқда. Бу ерда сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чи-

қаришга ихтисослашган кластер фаолиятига ҳам асос солинди.

Уқўқприк тумани Қораянтоқ қишлоғидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, “Аёллар дафтери” ва “Темир дафтар”да турувчи оилаларнинг 150 нафари кластерга қамраб олинди. Яъни ажратилган кредит маблағлари эвазига уларнинг ҳар бирига бир бошдан соғин сигир олиб берилди. Чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш, озуқа экинлари экиш учун туман ҳокимлиги томонидан ғалладан бўлган 100 гектар ер ажратилди. Хонадон бекалари ҳар куни соғиб олинган сутни махсус қабул пунктларига топширади. Бу ерда ветеринария хизмати йўлга қўйилди. Шу жойдан заруратга қараб, арзон нархда ем-хашак, силос олиш имконияти бор. Бир бош наслдор соғин сигир олган оила ўрта ҳисобда 3 миллион сўмгача даромад топмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, банкдан олинган қарз имтиёзли давр билан беш йилда қопланади. Бундан ташқари, бузоқ оилага қўшимча даромад бўляпти.

Лойиҳани бошқа маҳаллаларда ҳам оммалаштиряёмиз, — дейди тадбиркор. — Энди мингдан ортиқ киши билан кластер

тизими асосида ишлаймиз. Талабга қараб наслдор сигир олиб берамиз, ем-хашак билан таъминлаймиз. Бу ўрта ҳисобда кунига 10 тоннадан зиёд табиий сут олиш имконини беради. Тадбиркорлики 1-2 литр сутин қатик қилиб сотишдан бошлаганман. Ўшандаёқ одамлар маҳсулотнинг таъмига, сифатига катта аҳамият беришини тушунганман. Шунинг учун ишлаб чиқаришда сунъий қўшилмалардан умуман фойдаланмаймиз. Ҳозирги рақобат бозорида бу жуда муҳим.

“Кўқон” эркин иқтисодий зонасида “Yong Xin” ХҚда кафеъ ишлаб чиқаришнинг синов ишлари якунланди. Хитойнинг тўғридан тўғри инвестицияси ҳисобига барпо этилган янги корхонанинг умумий қиймати 100 миллион доллар. Бу ерда 700 та юқори даромадли доимий иш ўрни яратилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушган, ишчилар сони минг нафарга етди. Замонавий технологияларни бошқараётганларнинг асосий қисми маҳаллий ёшлар. Корхонада тайёрланган дастлабки 850 минг долларлик маҳсулот қўшни Қирғизистонга экспорт қилинди.

— Вилотимиз инвестиция салоҳиятини ошириш, янги имкониятлардан фойдаланишда “Кўқон” эркин иқтисодий зонасининг алоҳида ўрни бор, — дейди Фаргона вилояти Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Азимжон Йўлдошев. — Бу ерда қиймати 980 миллион доллар бўлган 147 та инвестиция лойиҳаси жойлашган. Ўтган давр мобайнида 113 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Натияжада 2,3 триллон сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 77 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йил якунига қадар қиймати 228 миллион долларлик 18 та йирик саноат лойиҳасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Кўқон технопарки ва “Фаргона янги имкониятлар” махсус саноат зоналарида юқори технологиялар ва илмий-амалий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга ошириляпти. Биринчи ярим йилликда вилоят иқтисодиёти 6,8 фоиз ўсди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасига 1,4 миллиард доллар инвестиция кириб келди. Натияжада охириги 4 йилда тадбиркорлар сони 1,6 баравар кўпайди.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардosh маҳсулотлар юрти” дастури доирасида экспортчи корхоналар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея Республикасининг Асан шаҳрида Фаргона инвестициялар ва савдо уйи очилди. Бу маҳаллий маҳсулотларни Жанубий Корея бозорига кенг кириб бориши ҳамда ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларини тўғридан тўғри экспорт қилиш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таҳлил

ИЖАРАГА ОЛИНГАН ЕРНИ ЯНА ИЖАРАГА БЕРИШ МУМКИН

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, аграр салоҳияти юқори мамлакатлар учун ер — ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инвестиция жалб этиш, экспорт имкониятини ошириш ва янги иш ўринлари очишда асосий ресурсдир. Шу жиҳатдан қараганда, ер билан боғлиқ барча муносабат давлат иқтисодий сиёсатининг марказида бўлиши керак.

Аммо самарали фойдаланиш учун ернинг мавжудлиги етарли эмас. Ҳисобга олиниши, ҳуқуқий мақоми, чегаралари, фойдаланиш мақсади ва ундан келаётган иқтисодий фойда ҳам аниқ бўлиши зарур.

Ҳозирги шароитда ерни ягона электрон базада ҳисобга олиш, ер муносабатларини автоматлаштирилган платформалар билан юритиш, назорат механизмларини кучайтириш орқали иқтисодий фаоллиқни ошириш мумкин. Бу фақат қишлоқ хўжалиги ёки шаҳарсозликда эмас, балки иқтисодий соҳаларнинг барча йўналишида ижобий самара беради.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 9 сентябрь куни қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган муҳим тақдиримот билан танишди.

Ортимизда ақил йилларгача кадастр маълумотлари етарлича аниқ эмаслиги, ер ажратиш ва рўйхатга олиш жараёнида шаффофлик йўқлиги, мониторинг тизими шаклланимагани туфайли ер ресурслари тўлиқ иқтисодий самара бермаган.

Ҳолбуки, ер — мамлакат тараққиётининг асосий пойдевори. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида унинг аҳамияти алоҳида. Шу боис, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик мувозанатни сақлашда ҳам муҳим.

Кузатувларга кўра, кенг ҳаҷмдаги ер ўзлаштирилмай қолган, айрим ҳолларда эса ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кузатишган. Бу эса ҳудудий, иқтисодий ривожланиш суръатини пайсаятирган. Шу боис, ер ресурсларини тизимли ва рақамлаштирилган асосда бошқариш иқтисодиётнинг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги беш йилда ер ҳисобини юритиш бўйича ишлаб чиқилган янги тизим самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги 45 миллион гектарга яқин ернинг 42 миллиони (яъни 94 фоизи) давлат рўйхатига киририлгани соҳадаги тузилмалар фаолияти яхшиланиши ва



давлат назорати кучайганини кўрсатади. Бироқ ер ресурсларини бошқаришда фақат рақамлар эмас, балки уларнинг ҳақиқий ҳолати ва самарадорлигига ҳам эътибор қаратиш муҳим.

Олдин давлатлар ва ташкилотларга тегишли бўлган, кейинчалик туман ҳокимликлари тасарруфига ўтган бўш ерлар ҳисобини алоҳида юритиш талаб этилади. Бу кўпинча фаол фойдаланилмайдиган ерлардир. Мазкур майдонларни аукцион тизимида тақсимлаш жараёнини автоматлаштириш, инсон омилини камайтириш орқали аниқ ва шаффоф бошқариш катта аҳамиятга эга. Zero, ернинг бўш қолиши ёки нотўғри тақсимланиши нафақат иқтисодий, балки экологик зарар ҳам келтиради.

— Ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва аниқ ҳисобини юритиш ҳар бир давлатнинг муҳим ва стратегик режаларидан. Бугун республикамизда фойдаланиш учун 8 тоннадаги ер ҳисоби аниқ-тиниқ белгилан берилган. Шунингдек, Ер кодекси талаблари асосида ердан мақсадли фойдаланишни таъминлашга қаратилган ягона классификатор тасдиқланди. Ягона классификатордан ҳар бир ер майдонидан қайси турдаги фаолият учун фойдаланиш мумкинлиги белгилан берилган. Бу нима дегани? Масалан, чорва ҳайвонларини боқиш, кўпайти-

риш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш учун зарур бино-ишоотлар қуриш мақсадида сувсиз ер ажратилади, — дейди Кадастр агентлиги директори Фаррух Пулатов. — Қисқаси, бу амалиёт ердан самарали фойдаланишни таъминлайди ҳамда ҳар қандай ноқулайликларнинг олдини олади. Ягона классификаторни жорий этиш орқали ер ресурсларидан фойдаланишда ҳуқуқий аниқлик ва тартиб-интизом таъминланади. Тадбиркорлик ва инвестиция жараёни учун қулай шароит ҳамда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Ер билан боғлиқ фирибгарлик, коррупция ва хуфийна иқтисодиёт ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қайта ижарага ва иккиламчи ижарага берилдиган бўлди. Бу борада ўзинга хос талаблар мавжуд бўлиб, улар жисмоний ва юридик шахсларга енгиллик бериши билан бирга, қонуний маффаатларини ҳимоя ҳам қилади.

Авалл катта ҳудуддаги ерни тўлиқ ижарага бериш имконияти мавжуд эди. Энди ушбу майдонларни талабгорларга мослаб, бир неча қисмга бўлиб бериш мумкин. Бу ўз навбатида, ернинг экинсиз ва бўш қолиб кетишининг олдини олади.

Шу билан бирга, ижара муносабатларига қайта ижара ва иккиламчи ижара тартиботи киритилиши туфайли ерни самарали бошқаришнинг янги шакллари пайдо бўлади. Фермерлар ва тадбиркорлар ўртасида рақобат кучаяди. Ижарага олинган ернинг бир қисmini қайта ижарага бериш имконияти фермерлар учун молиявий жиҳатдан қўшимча манба ва-зифасини ўтайди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерда янги хизмат кўрсатувчи объектлар қурилишига рухсат берилиши ҳам муҳим қадамдир. Муҳандислик ва логистика инфратузилмасини яхшилаш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун шароит яратиш билан боғлиқ бу чора-тадбирлар фермерлар маҳсулотининг бозордаги рақобатбардoshлигини оширади. Музлаткичи омборхоналар, саралаш ва қадқоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар хўжалик фаолиятининг ҳар бир босқичида сифат ва самарадорликнинг юқори даражада таъминланишига ҳисса қўшади.

Бу каби ерларни 2027 йилгача ижара ҳуқуқига ўтказиш мажбурияти соҳадаги илохотларнинг узлуксизлигини ва миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини янада оширишга қаратилган кенг қамровли стратегиядир. Ижара ҳуқуқи асосида ердан фойдаланиш бозор механизмларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, фермерларнинг ҳуқуқий ҳавфсизлигини таъминлайди ва соҳага инвестиция жалб қилиш имкониятини беради.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигига ижара муносабатларини такомиллаштириш, ижарачиларнинг ҳуқуқлари ва маффаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиши ижтимоий адолатни таъминлаш ва фермерлар учун ишончли ҳуқуқий асос яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу кўрсатма ва топшириқлар ижара муносабатларидаги зиддиятларни камайтириш, инвестицияларни фаоллаштириш ва соҳа ривожига янги суръат бағишлаш имконини беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бораберида барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.


Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Давлат инсон учун

Қораўзаклик Муродбой Шарипов ота-онасидан қолган уйда яшайди. Бу уй 1968 йилда қурилган. Аммо баъзи сабабларга кўра, у шу уйнинг мулкий ҳуқуқи борасида муаммога дуч келганди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ХАЛҚ ОРЗУСИ рўёбга чиқмоқда



Яна бир қаҳрамонимиз эса Кеғейли туманида яшайдиган Убайдулла Алламуродов. У 40 йилдан буён уйининг ҳужжати бўлмагани боис, қанчадан қанча сарсон-саргардонлиқни бошидан ўтказди. Амурдёллик Зиёда Бобоқонова ҳам қурган уй-жойи билан боғлиқ масалада муаммоларга дуч келаётганди. Йиллар давомида огриқли нуқтани бўлиб келган бу каби масалаларга қонунийлик асосида ечим топишга юридошларимизни қувонтирмоқда.

Айни пайтда “Ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш тўғрисида”ги қонун ижроси юзасидан Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг туман, шаҳар филиаллари томонидан кенг қўламли хатлов ўтказилимоқда.

— Қонлиқўл тумани “Олтинқўл” овул фуқаролар йиғинида 24 йилдан бери яшайман. Турар жойимизнинг кадастр ҳужжати бўлмаган, — дейди Тамара Жумамуродова. — Ортиққа овергарчилик, қозғозбликлар туфайли муаммога дуч келгандик. Хонадонимиз ва томоқа еримизни қонунийлаштиришда қийналдик. Кадастр ходимлари кениб ўрганди. Ҳозир уйимиз кадастр рўйхатидан ўтказилляпти. Бундан чексиз миннатдорим.

Қонун ижросини таъминлаш учун ҳудудларда жами 175 ҳодим жалб этилган. Бундан ташқари, Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ишчи гуруҳ тузилган. Улар кўмагида 2025 йилда 166 та маҳаллада хатлов ўтказилади. Ижро эса аллақачон бошланиб, самарали кўрсаткичларга эришилмоқда. Хусусан, ҳозиргача 48 минг 498 та кўчмас мулк объекти хатловдан ўтказилди. 34 минг 277 та объект ҳақидаги маълумот UZKAD ахборот тизимига юкланди. Яна 18 минг 640 та объект маълумотлари “E’tifo’r” автоматлаштирилган тизимига ўтказилди. Муҳокама жараёнида эса 14 минг 992 та объект турибди. Кадастр агентлигининг расмий kadastr.uz сайтида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 2401 та объект ҳақидаги маълумот эълон қилинган. 561 та объект Адлия органлари томонидан ўрганилаётган бўлса, 23 таси бўйича комиссия мулк ҳуқуқини тан олишини рад этган.

Шунингдек, 142 та кўчмас мулк тахирлаш жараёнида, 176 та объект эғаларининг қонунда кўрсатилган

бир маргалик тўловларини тўлаши қутилмоқда, 54 та кўчмас мулк бўйича ҳуқуқларни тан олиш масаласи депутатлар кенгаши қарорларига киририлган.

— Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармалари мутахассислари 2025 йилда Нукус шаҳрининг ўзида 28 та маҳаллада хатлов ўтказиши белгиланган. Жорий йилнинг август ойи ҳолатига кўра, 6105 та кўчмас мулк объекти хатловдан ўтказилган. Жараёнда 1584 та объект “E’tifo’r” ахборот тизимига киритилди ва 3786 та объект ҳақидаги маълумот UZKAD ахборот тизимига юкланди. Шу билан бирга, муҳокама жараёнидаги объектлар ҳам талайгина, — дейди Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиги Сардор Урунбоев. — Муҳими шундаки, хатлов, ҳужжатлаштириш жараёнида халқимизнинг кўзида қувончли кўрпайми. Улар мана шундай катта ижобий ўзгаришдан хурсанд.

Президентимизнинг 2023 йил 28 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш тўғрисида”ги фармони асосида шаҳар ва туманларда кадастр ҳужжатларни мавжуд бўлмаган жами 27 минг 590 та турар жойга эгалик ҳуқуқи берилди. Уларга кадастр паспортларни тайёрлаиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу ташаббус аҳолининг йиллар давомида ечимини қутаётган муаммосини ҳал қилди. Эътишлар изчил давом этирилиб, 2024 йил 5 август куни “Ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонун асосида Қорақалпоғистон Республикасида 291 хонадон мулк ҳуқуқини олди.

Мазкур ўзгаришлар аҳоли маффаатини, мулк ҳуқуқини қонуний асосда эътироф этиш орқали инсон қадрини улуғлашга қаратилган. Уй-жойга қонуний эгалик қилиш имконияти ҳар бир фуқарога тинч ва осуда ҳаёт кечирिशга замин яратмоқда. Бу эса эртанги кунга, мамлакатдаги катта илохотларга бўлган мустаҳкам ишонч демек.

Минахатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

2025 йил 27 сентябрь, 200-сон

Маълум бўлдики, тилда юз минглаб, ҳатто миллионлаб сўз бўлса ҳам буларнинг моддий асосини бир неча ўнлаб товуш ташкил қилади. Тилнинг мана шу хоссаси ундаги сўзларда товуш жиҳатдан умумийликни вужудга келтирган. Бир ёки бир неча товуш кўплаб сўзларнинг таркибиде учрайди. Ҳатто баъзи сўзлар товуш жиҳатдан бир хил бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилида “от” шаклига эга бўлган учта сўз бўлиб, буларнинг бири исм, ном маъносиде кўлланади, бири отишга буйруқни билдиради, яна бири маълум ҳайвонни англатади. Агар “бок”, “тоғ”, “ёғ”, “соғ” сўзларини ёки “том”, “тош”, “тол”, “той” сўзларини оладиган бўлсак, бу сўзларнинг икки товуши бир хил бўлиб, фақат бир товуши турличадир. “Қил”, “қош” сўзларини оладиган бўлсак, бу сўзларда фақат бир товуш бир хил, қолган иккиси турлича.



Сўзларда мавжуд бўлган мана шу товушдошлик тилдаги гўзаллик ҳосил қилувчи нисбатнинг бир туридир. Аммо бунинг ўзи бир неча кўринишларга эга бўлиб, булар нутққа турли миқдор ва даражада хусн бағишлайди. Буларнинг энг хусндори ва энг кўп фойдаланиладигани сўз охиридаги товушдошлик бўлиб, бундан сўз усталари назмде қофия ва насрде сажэ ясайдилар. Масалан, “иш” билан “қиш”, “сўзла” билан “кўзла”, “тошир” билан “ошир”, “ер” билан “тер” сўзлари товушдошлик билан тугаган сўзлардир. Халқ буларнинг товушдошлигини ҳисобга олиб, “Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас”, “Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла”, “Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар”, “Дехқоннинг хазинаси ер, унинг қалити тер” деган сажэли мақолларни яратган. Шоирлар шундай сўзлар билан оҳангдош бўлиб тугаган мисраларни вужудга келтирарди. Масалан, “ниҳол”, “бол”, “қол”, “ол” сўзларидан фойдаланиб, таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзи эккан олманинг ҳосилини кўриб ва бу меванинг номи буйруқ маъносидеги “олма” билан шаклдошлигини ўйлаб, шундан шеър яратган:

“Мардум” шаклига эга бўлган иккита сўз бор, бири одам, халқ маъносиде, иккинчиси кўз қорачиги маъносиде. Навоий мана шу шаклдошликдан моҳирона фойдаланиб:

Қаро кўзум келу мардумлуг эмди *фан қилгил,*
Кўзум қаросиде мардум *киби ватан қилгил,*
деган шоҳбайт яратган.
“Савдо” шаклига эга бўлган иккита сўз бор, бири олди-сотдини, иккинчиси қорани ва кўчма маъноде ташвишни билдиради. Бундан фойдаланиб шоир:

Зиҳе хусунуг зуҳридин тошуб *ҳар кимга бир савдо,*
Бу савдолар биле қавнайн *бозорида юз гауго,*
дейди.
Шундай қилиб, тилдаги товушдошлик нутқ гўзаллигининг манбаларидан бири бўлиб, моҳир сўзчилар бундан чексиз равишде фойдаланишлари мумкин экан. Аммо шунде эсдан чиқармаслик керакки, товушдош сўзларни танлаб ишлатишде маънога зарар етиши керак эмас. Маъно бирламчилигини эсдан чиқармаслик лозим. Акс ҳолде, нотик

тартибде қалаш керак экан. Кишилар бу ҳақиқатни бир-бирига, айниқса, шу соҳаде тажрибаси йўқ кишига ўргатишлари керак бўлади. Шу фикрни ҳар ким ўзича тил нуқтаи назаридан тўғри гап тузиб ифодалай беради. Ҳаммамизга маълумки, бу фикрни жуда кўп вариантде айтиш мумкин. Шулардан бирини олайлик, “Қаловини топсанг, ўтин яхши ёнади”, дейиш мумкин, кўп мартаб шундай дейилган ҳам бўлиши керак. Шу гапде ҳеч қандай камчилик йўқ, чунки у тил қондаларига мувофиқ тузилган ва ўз вазифасини тўлиқ адо этадиган шаклдадир. Бироқ инсон таъби бу билан тўла равишде қониқмайди. Унинг таъбидеги гўзалликка бўлган эҳтиёжи шу гапни гўзаллаштиришни талаб қила бошлайди. Бу бир йўқ буюмнинг олдин ўзини ясаб, кейин уни чиройли қилишга бўлган интилишининг айнан ўзи. Шу талаб билан “ўтин” сўзини “қор” сўзи билан алмаштирадиде, “Қаловини топсанг, қор ёнар”, дейди. Шу билан у мазкур гапде гўзал тус беради. Эшитганларга бу ёқади. Киши ўзига ёққан нарсани йўқотмасликка ҳаракат қилади ва халқ бунде мақол қилиб асраб юради.

Бунде ёқимли, гўзал қилган нарса, биринчидан, “қор” сўзининг “қалов” сўзига уйғунлиги, яъни товушдошлиги, иккинчидан, қорнинг оловга зидлиги, учинчидан бўрттириш, яъни муболага борлигиндир. Ёшлигидан табиий равишде бунга ўхшаш гаплар қўлогига ёқиб қолган киши беихтиёр шундай жумларни ярате бошлайди.

Ана шундан кейингина бунга қизиққан олимлар, бу ҳодисани текшириб, уни системде солиб от қўя бошлайдилар. Товуш томонидан назар солиб, “қор” билан “қалов” ўртасидеги товушдошликни, масалан, “тавзий” деб атайдилар. “Олов” билан “қор” орасидеги зиддиятни “тазод” деб номлайдилар ва “қалов”нинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга “муболага” деб от қўйдилар.

Шундан кейин ўқитувчилар халқнинг ўзининг ижодини унинг ўзи олимлар тавсия қилган, илмий шаклде етказадилар. Бу эса,



Нутқни гўзал қилувчи восита “санъат” деб аталади. Санъатлар орасиде “тавзий” деб аталгани бор. Бу мисра ёки байтде товушдош сўзлардан фойдаланишдир. Масалан, “Тоқатим ток ўлди, то бўлдим талабгоринг сенинг” деган мисраде “т” товуши билан бошланган “Тоқатим”, “ток”, “то”, “талабгор” сўзлари берилган. Мана шу “т”ли сўзларнинг бир мисраде келиши кишига лаззат бағишлайди.

Нутқ санъатлари моҳият этибори билан тил ва нутқнинг ўзи сингари ижтимоийдир. Нутқ санъатларидан моҳирона фойдаланувчи сўз усталарининг асосий манбаи ҳам халқ нутқидир. Сўз устаси халқдан ва бошқа сўз усталаридан ўрганган санъатларини бир оз бойитади ва уларнинг янги, баъзан гўзалроқ намуналарини яратади, холос.

Мева берди етилиб бу йил
Мен боқимга ўпқазган ниҳол.
Меваларки, қўдай қип-қизил,
Хусни ёқут, ширинликде бол.
Лабларидан томизиб шарбат,
Ол, е деиди, армонде қолма!
Лекин шунга ҳайронман фақат,
Нега уни дейдилар “олма”?
Олма экса боғиза ҳар ким,
Меҳмонига ол, е демасми?
“Олма” менинг меҳмондўст халқим —
Одатига ёт сўз эмасми?
Мева берди етилиб бу йил
Мен ардоқлаб ўстирган ниҳол.
Олмапарки, шафқадй қизил,
Лекин номи “олма” эмас, ол!

Сўз боши ва ўртасидеги товушдошлик ҳам хусн воситаси сифатиде фойдаланилади. Эркин Воҳидовнинг қуйидеги шеърига қўлоқ солсангиз, ундаги ҳамма сўзлар “қ” товуши билан бошланганлиги учун алоҳиде оҳангдошлик борлигини сезсиз ва шоирнинг маҳоратидан завқланасиз:

Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийик қайрилма қошинг, қиз.
Қилур қатлимга қасд қайраб —
Қилар қатлим қарошинг, қиз.
Қафасде қалб қушин қийнаб,
Қанот қоқмоққа қўймайсан.
Қараб қўйил қиз,
Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.
“Ёш” шаклига эга бўлган кўз сувини, умрни ва кўк ўсимлиқни билдирадиган сўзлар бор. Улуг шоирларимиздан Лутфий мана шу учта шаклдош сўздан фойдаланиб, туюқ ясаган:

Гарчи қуршмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини.
Йиллама кўп бу вужуднинг ишқ ўти
Не қуругин қайгусе, не ёшини.



Ҳозирги вақтде нутқде кўп учрайдиган ва ёзув билан боғлиқ бўлган икки хил танофур мавжуд. Бири катталар нутқиде бўлиб, эски ёзувдеги харфларни тўғри ўқимаслик натижасиде вужудга келган. Бу “келади”ни “келоди”, “келган”ни “келгон” деб “а” ўрниде “о” талаффуз қилишдир.

санъатларининг вужудга келишиде соқов бўлмаган барча кишиларнинг иштироки бор.

Нутқ санъатлари моҳият этибори билан тил ва нутқнинг ўзи сингари ижтимоийдир. Нутқ санъатларидан моҳирона фойдаланувчи сўз усталарининг асосий манбаи ҳам халқ нутқидир. Сўз устаси халқдан ва бошқа сўз усталаридан ўрганган санъатларини бир оз бойитади ва уларнинг янги, баъзан гўзалроқ намуналарини яратади, холос. Масалани равшанлаштириш учун тахминий ва содде бир мисол келтирайлик.

Айрим кишиларга, дейлик, тажриба кўрсатдики, ўтин яхши ёниши учун уни маълум

шубҳасиз, кўпчиликнинг нутққа илмий муносабатде бўлишига, унинг ривожига сабаб бўлади. Олимга халқ, олим халққа хизмат қилади.

Нутқде турли нуқсонлар юз бериши мумкин. Нутқ камчилиги “айр” деб аталади. От қўйилган айблардан бири танофурдир. Нутқде товушларнинг ноқулай тартибде келишига “танофур” дейилади. Бунинг талаффуз жиҳатидан ноқулай бўлган туридан нутқ аъзоларининг ҳаракатини мукаммаллаштириш учун ҳам фойдаланилади. “Лайлак лакалакмоқчи эмиш, лакалакласа ҳам лакалакмоқчи эмиш, лакалакласа ҳам лакалакмоқчи эмиш” ёки

“Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ” сингари тез айтишлар шу мақсаде ҳосил қилинган сунъий танофурлардир. Гапдеги товушлар қўлоққа ёқмайдиган ва бирор қабих сўзни ёки мавзуга зид маънони англатадиган тартибде бўлса ҳам танофур ҳосил бўлади.

Ҳозирги вақтде нутқде кўп учрайдиган ва ёзув билан боғлиқ бўлган икки хил танофур мавжуд. Бири катталар нутқиде бўлиб, эски ёзувдеги харфларни тўғри ўқимаслик натижасиде вужудга келган. Бу “келади”ни “келоди”, “келган”ни “келгон” деб “а” ўрниде “о” талаффуз қилишдир. Иккинчиси, ёшлар нутқиде учрайди ва ҳозирги имлоининг но-мукаммаллиги, талаффузга мос келмайдиган қондаларнинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлган. Масалан, ҳозир баъзи ёшлар “ишқа”ни “ишга” деб, “келипти”ни “келибди” деб, “кеткан”ни “кетган”, “очкан”ни “очган” деб айтади. Ҳатто “боққа”ни “богга” деб талаффуз қилдилар. Бу айбнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган имлодеги камчилик йўқолмагунга қадар унинг олдини олиш ўқитувчиларимиз зиммасига тушади. Тилшуносларимиз эса тил табиятига хилоф қонда ўқувчи нутқиде айб пайдо қилишини ҳам ҳисобга олишлари керак.

Нутқни гўзал қилувчи восита “санъат” деб аталади. Санъатлар орасиде “тавзий” деб аталгани бор. Бу мисра ёки байтде товушдош сўзлардан фойдаланишдир. Масалан, “Тоқатим ток ўлди, то бўлдим талабгоринг сенинг” деган мисраде “т” товуши билан бошланган “Тоқатим”, “ток”, “то”, “талабгор” сўзлари берилган. Мана шу “т”ли сўзларнинг бир мисраде келиши кишига лаззат бағишлайди. Бу мисраде шоир талабгор сўзи ўрниде ҳаридор, “тирифтор” ёки яна бошқа сўзни ишлатиши мумкин эди, лекин унда мисранинг таъсири қамайган бўларди. Қиёслаб кўринг!

Тоқатим тоқ ўлди,
то бўлдим ҳаридоринг сенинг,
Тоқатим тоқ ўлди,
то бўлдим талабгоринг сенинг.

Агар шу мисрадеги тоқ сўзини ҳам “т”сиз сўз билан алмаштирилса: масалан, “Тоқатим қолмади то бўлдим тирифторинг сенинг” дейилса, мисра яна ҳам сусаяди.

“Жаҳон жонон жамолингга тасаддуқ” деган мисраде учта “ж” товуши билан бошланадиган сўз қатор келган. Шоир бир мисраде учта сўзни товушдошлаштириб

берган. Бу ҳам тавзийнинг яхши бир кўринишидир. Агар шу мисрадеги “жонон” сўзини “дилбар” ёки бошқа “ж”сиз сўз билан алмаштириб, масалан, “жаҳон дилбар жамолингга тасаддуқ” десак, маъно бузилмайди, лекин санъат йўқолади ва мисранинг бадийи кучи заифлашади. Товушдошликнинг маъно билан сингшиб кетган олий намуналарини Навоий асарларида кўриш мумкин. Масалан, шоир “Ҳамса”нинг Низомий Ганжавийга бағишланган қисмларининг бириде:

Ганжа ганжурким чекиб кўп ранж,
Кўймиш эрди жаҳонде беш ганж,
дейди. Бу байтде “иштиқоқ” деб аталган санъат ҳам бор.

“Иштиқоқ” сўзининг бадийи термин бўлишига унинг грамматик маъноси асос бўлган сўз ясалishi иштиқоқ дейилади. Шунга асосан, гапде бир ўзақдан ясалган сўзларни келтиришни “иштиқоқ” деб атаганлар. Биз бу ҳодисани ўзақдошлик ва уни вужудга келтиришни ўзақдошлаштириш деб атасак ҳам бўлади. Лекин иштиқоқ сўзини ёдмиздан чиқармасак яхшироқ бўлади. Демак, Навоий мазкур байтде сўзларни ҳам товушлаштирган, ҳам ўзақдошлаштирган. Бу байтде “ранж”, “ганж”, “жаҳон” сўзлари этибори билан товушдошлик, “ганжа”, “ганж” ва “ганжур” сўзлари этибори билан ўзақдошлик бор. Чунки буларнинг ҳаммаси хазина маъносидеги “ганж” ўзақ сўзидан ясалган. “Ганжур”нинг маъноси “ганж” эгасидир. Тавзий ва иштиқоқ санъатлари суваратга, яъни шаклга оид бўлишига қарамасдан, Навоий қаламида улар маънога сингиб ва маънони тасдиқлашга хизмат қилган. Бунда Ганжавийнинг Ганжаде ҳақиқий ганж эгаси экани ва унинг ганжга аҳамиятига эга бўлган беш ганжни қолдирганининг ҳақиқатлиги товушдошлик ва ўзақдошлик билан таъкидланган. Натижаде байт жуда маҳкам байтга айланган.

Бу икки санъатдан журналистларимиз ҳам фойдаланмоқда. Масалан, “Тошкент оқшоми” газетасиде босилган бир мақоланинг сарлавҳаси “Сайёралар сайри” деб берилган эди. Бунда иштиқоқ бор.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказиде саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.

34830 нусхаде босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулиде босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов

Мусаҳҳиш: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 21:07 Топирилди — 22:10